

## XI. ЧАКАНА САВДО ТОВАР АЙЛАНМАСИ

2020 йил январь-июнда чакана товар айланмаси 3304,1 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 98,8 фоизга ўсди.

### Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси

	млрд. сўм	2019 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>3304,1</b>	<b>98,8</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:</i>			
давлат мулки	-	-	-
нодавлат мулки	3304,1	107,1	100,0
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	1851,2	106,2	56,0

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2020 йилнинг январь-июнида 1453,7 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,3 фоизни ташкил этган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-июнъ ойларида 1850,4 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 95,5 фоизга камайди.

### 2020 йилнинг январь-июнида чакана савдо айланмаси таркиби


	млрд. сўм	2019 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Чакана товар айланмаси</b>	<b>3304,1</b>	<b>98,8</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
савдо корхоналари	1453,7	103,3	44,0
Якка тартибдаги тадбиркорлик	1850,4	95,5	56,0
<i>шундан: уюшмаган сектор (ташкил этилмаган савдо фаолияти)</i>			
	282,3	77,2	8,5

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 59,9 млрд. сўмга етди ёки 2019 йилнинг январь-июнига нисбатан 81,9 фоизни ташкил этди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 97,1 фоизи бўлди ва 1735,2 минг сўмни ташкил этди (2019 йил январь-июнъ ойларида 1577,0 минг сўмни ташкил этган).


2020 йилнинг январь-июнъ ойларида чакана савдо товар айланмаси 3304,1 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 фоизга камайди. Шу жумладан, йирик корхоналарнинг товар айланмаси 328,3 млрд. сўмни (ўсиш суръати 92,5 %), кичик тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси 2975,7 млрд. сўмни (ўсиш суръати 99,5%), шундан уюшмаган савдо савдо товар айланмаси 282,3 млрд. сўмни (ўсиш суръати 77,2 %) ташкил этди.

### **Январь-июнъ ойларида чакана савдо товар айланмаси ҳажми, (млрд. сўм)**



2020 йилнинг январь-июнига нисбатан Республикасининг барча худудларида чакана савдо товар айланмасининг ўсиш суръатлари кузатилиб, нисбатан юқори ўсиш суръатлари Бўзатов (ўсиш суръати 101,5 %), Тўртқўль (101,0 %), Амударё (100,6 %) ва Құнғирот (100,2 %) туманларида қайд этилди.

## Чакана савдо товар айланмасининг ўсиш суръатлари, (% да)




Чакана савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушига эга бўлган Нукус шахри (республика бўйича жами товар айланмаси ҳажмидаги улуши 30,3 %), Хўжайли (9,7 %), Беруний (9,6 %), Тўрткўл (9,0 %) ва Кўнғирот (7,4 %) туманлари чакана савдо товар айланмасининг ўсишига ижобий таъсир қўрсатди.

Чакана савдо товар айланмаси таркибида йирик корхоналарнинг товар айланмаси ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 92,5 фоизни ташкил этди 328,3 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу эса умумий савдо ҳажмининг 9,9 % улушига тўғри келади.


Кичик тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо товар айланмаси ҳажми статистик ҳисоб-китобларга кўра, 2975,7 млрд. сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 6,0 фоизга камайди. Республика миқёсида ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмасидаги улуши 90,1 фоизга тенг келмоқда.

**Чакана савдо товар айланмаси таркиби,  
(жамига нисбатан фоиз ҳисобида)**

**2019 йил  
январь-июнь**




**2020 йил  
январь-июнь**



■ Йирик корхоналар  
■ Кичик корхоналар

**Чакана савдо айланмасида йирик корхоналар  
ва кичик тадбиркорликнинг улуши, (%)**



**Кичик тадбиркорлик ва йирик корхоналарнинг  
чакана савдо товар айланмасидаги ҳажми**

	<i>йирик корхоналар (млрд.сўм)</i>	<i>ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, % да</i>	<i>кичик тадбиркорлик (млрд.сўм)</i>	<i>ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, % да</i>
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	<b>328,3</b>	<b>92,5</b>	<b>2 975,8</b>	<b>99,5</b>
Нукус ш.	262,1	97,5	739,3	98,6
<i>туманлар:</i>				
Амударё	7,3	73,4	231,3	101,8
Беруний	5,7	88,9	310,6	98,1
Бўзатов	0,0	0,0	9,9	101,5
Қонликўл	0,1	58,9	81,9	97,6
Қораўзак	0,3	77,0	104,0	97,8
Кегейли	0,2	61,0	68,1	100,2
Қўнғирот	19,0	230,7	226,9	95,7
Мўйиноқ	0,1	26,3	22,9	101,4
Нукус	0,4	114,2	58,5	97,1
Тахиатош	11,6	90,7	65,7	99,4
Тахтакўпир	0,4	75,7	83,1	100,4
Тўрткўл	9,1	34,9	287,3	107,5
Хўжайли	4,9	79,6	315,0	97,9
Чимбой	3,9	35,8	125,3	102,5
Шуманай	0,2	41,7	65,9	100,4
Элликқалъа	3,1	104,9	180,2	98,7

2020 йил январь-июнъ ойларида чакана савдо товар айланмасида кичик тадбиркорлик субъектларининг ўсиш суръати бўйича Тўрткўл (107,5 %), Чимбой (102,5 %), Амударё (101,8 %), Бўзатов (101,5 %) туманларида юқори даражада бўлди.

Чакана товар айланмаси таркибида йирик корхоналарнинг улуши 9,9 фоизни ташкил этиб, йирик корхоналарнинг энг катта улуши Нукус шаҳрида (30,3 %), Хўжайли (9,7 %) ва Беруний (9,6 %) туманларида кузатилди.